

«ТАСДИҚЛАНДИ»  
«Бекободцемент» АЖ  
Акциядорлари умумий йиғилишида  
30.06.2016й.  
1-2016-сонли баённома  
**М.Ү.**

**«Бекободцемент» Акциядорлик жамиятининг  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

Бекобод ш. – 2016й.

## **МУНДАРИЖА**

<b>1.</b>	<b>Умумий қоидалар</b>	<b>3</b>
<b>2.</b>	<b>Директорини (сайлаш) ва ваколатларини бекор қилиш тартиби</b>	<b>3</b>
<b>3.</b>	<b>Жамият директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари</b>	<b>4</b>
<b>4.</b>	<b>Жамият директорнинг жавобгарлиги</b>	<b>7</b>

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом «Бекободцемент» Акциядорлик жамияти (бундан бўён - Жамият) Ижроия органининг мақомини ва унинг ишини белгилаб беради

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни якка тартибдаги ижроия органи – ваколатлари жамият устави ва мазкур Низом билан белгиланадиган Бош директори томонидан амалга оширилади.

1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бeroилиши мумкин. Тузилаётган шартноманинг шартлари жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, агар жамият уставида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса.

1.4. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, «Бекободцемент» Акциядорлик жамияти (бундан бўён – Жамият деб юритилади) уставига, «Корпоратив бошқарув кодекси»га биноан ишлаб чиқилган.

## **2. ДИРЕКТОРИНИ (САЙЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамиятнинг Бош Директор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).

4.2. Жамиятнинг уставига биноан ёки жамият кузатув кенгашининг қарори бўйича жамият директори ёки бошқарувчи аъзоларини тайинлаш, қоидага кўра танлов асосида амалга оширилади, ва унда тчет эл менежерлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

4.3. Директор лавозимига номзод жамиятга уни жиноий жавобгарликка тортилиш фактлари ҳақида хабар бериши керак.

4.4. Директор лавозимига у ёки бошқа номзодни тақдим этаётган кузатув кенгашининг Раиси шартнома тушиш шартлари, бошқарув фаолияти учун иш ҳақи, мукоқотлар ва компенсациялар миқдорлари ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган, номзоднинг шартнома тузишга розилиги ҳақида хабардор қилиши керак.

4.5. Кузатув кенгашининг жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш) бўйича қарори йиғилишда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**4.6.** Жамият Бош директори лавозимига номзодлар ўз номзодлари кўриб чиқилганда акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин.

Номзод Бош директор лавозимига сайлангандан (тайинлангандан) сўнг, кузатув кенгаши у билан бир йил муддатга директор вазифаларини бажариш учун шартнома тузади, ва бунда ўтказиладиган танлов якунлари бўйича унинг ваколатлари муддатини узайтириш ёки бекор қилиш ҳақида ҳар йили қарор қабул қилиб боради. Жамият номидан шартнома кузатув кенгаши раиси ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатли шахси томонидан имзоланади. Директор билан тузилаётган шартномада унинг жамият фаолиятини нг самарадорлигини ошириш ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисоботларининг даврийлиги ва жамият кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисида мажбуриятлари назарда тутилган бўлиши керак.

**4.7.** Директор иш ҳақи ва мукофотларининг миқдорлари бевосита жамият фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ ва шартнома билан белгиланади.

**4.8.** Мукофот миқдори (1 чорак учун ҳисобида) қуйидаги тартибда белгиланади:

агар қониқарсиз деб тан олинган бўлса – мукофот ҳисобланмайди ва тўланмайди;

агар паст деб тан олинган бўлса – мукофот иш ҳақи миқдорининг 0,5% миқдорида ҳисобланади ва тўланади;

агар қониқарли деб тан олинган бўлса – мукофот иш ҳақи миқдорининг 1,5 баравар миқдорида ҳисобланади ва тўланади;

агар олий деб тан олинган бўлса – мукофот иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача бўлган миқдорида ҳисобланади ва тўланади.

**4.9.** Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши, жамияти директори томонидан шартнома шартлари бузилганда, шартномани тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

**4.10.** Агар директор томонидан жамият устави қўпол тарзда бузилган ёки ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) жамиятга заарар етказган бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши жамият директори билан шартномани муддатидан илгари тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

**4.11.** Акциядорлар умумий йиғилишининг директор билан тузилган шартномани бекор қилиш (бузиш), шу жумладан муддатидан илгари бекор қилиш (бузиш) ҳақидаги қарори йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг – жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик оддий овози билан қабул қилинади.

**4.12.** Кузатув кенгашининг директор билан тузилган шартномани бекор қилиш (бузиш), шу жумладан муддатидан илгари тугатишга (бекор қилишга)

ҳақидаги қарори, мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг қўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.13. Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши, томонидан жамияти директори ваколатларини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият директорининг ваколатларини бошқа шахсга бериш ҳақидаги масала худди ўша йиғилишда қабул қилиниши ёки жамият жиректори вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда, акциядорларнинг яқин орада бўлиб ўтадиган умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

### **3. Жамият директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. Жамият директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни қиритиш мумкин, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатлариға қиритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Директор, қонунчилик, жамият устави, мазкур Низом, у билан тузилган шартнома шартлари, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қиласди.

3.3. Директор қўйидаги ҳуқукларга эга:

- ишончномасиз жамият номидан ҳаракат қилиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар – барча ташкилотларда ва корхоналарда жамиятнинг манфаатларини ифода этиш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларида биринчи имзо қзийиш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа ҳисоблар очиш;
- жамиятнинг мижозлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш ва шартномаларни (контрактларни) имзолаш;
- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш;
- ходимларнинг штатлар жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномалари тузиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга биноан, жамият ходимларига меҳнатга ҳақ тўланишини (барча

турдаги мукофотлар, қўшимча, устама ва меҳнатдаги иштироки учун коэффициентлар) белгилаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳақидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
  - жамият номидан ишончномалар бериш;
  - АЖ номидан унинг вакиллари учун АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида овоз берганда позицияни белгилаш;
  - АЖ бизнес-хатарларининг ва ижроия организавобгарлигининг суғурталанишини амалга ошириш;
  - жамиятнинг барча ходимлари мажбурий тарзда ижро этишлари учун буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
  - жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши акциядорлар умумий йиғилиш ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган ҳужжатлардан ташқари;
- Миқдори ҳомийлик ёки хайрия ёрдами кўрсатиш учун бизнес-режага кўйилган сумманинг миқдорининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдордаги хайрия (ҳомийлик) ёрдами ҳақида қарор қабул қилиш;
- қонунчиликка, жамият уставига ва меҳнат шартномасига биноан бошқа хуқуқларга эга.

#### 3.4. Директорнинг мажбуриятлари:

- жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда, унинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар – барча ташкилотларда ва корхоналарда жамиятнинг манфаатларини ифода этиш;
- жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилиши ташкил этиш;
- жамият таркибий бўлинмаларининг самарали ўзаро муносабатларини таъминлаш;
- жамият шартномавий мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлаштириш учун зарур бўлган миқдорларда давромад олинишини таъминлаш;
- жамиятни ривожлантириш дастурларив абизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риос қилинишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тегишли ҳолати ва ҳаққонийлигининг ташкил этилишини, ҳар йилги ва бошқа ҳисботларнинг, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти ҳақидаги маълумотларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- кузатув кенгаши олдида йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида ҳар чоракда ҳисбот бериш;
- жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудиторининг талабига кўра, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни тўсиқларсиз тақдим қилиш;
- давлат статистика ҳисботининг тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- агар маҳфий маълумотларни учинчи шахсларга бериш унинг мажбуриятлари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни сир сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг жамият ходимлари томонидан сир сақланишини таъминлаш;
- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг били млари, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан энг яхши тарзда фойдаланиш;
- меҳнат интизомини сақлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя қилишларини таъминлаш;
- ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ўзининг, ҳамда АО мансабдор шахсларининг малакасини оширилишини таъминлаш;
- жамоа музокараларида иштирок этиш, жамоа шартномалари ва битимлари тузилганда иш берувчи сифатида чиқиши, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгашиша белгиланган муддатларда унинг ваколатларига кирадаган ишларнинг ҳолати ҳақида ёзма билдиришномалар тақдим этиш;

- барча акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳукуқларига риоя қилиш;
- жамиятнинг кузатув кенгашини, у жамият томонидан битимлар тузилганда унинг тобелиги (аффилланганлиги) ҳолати юзасидан хабардор қилиш;
- амалдаги қонунчиликка, жамият уставига ва жамиятнинг бошқа ички хужжатлари талабларига риоя қилиш.

**3.5. Жамиятнинг аниқ ҳукуқлари ва мажбуриятлари у билан тузиладиган шартномада келишилади.**

**3.6. Жамият директорининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида ўриндошлик билан бажаришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан рухсат этилади.**

#### **4. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**4.1. Жамият Директори ўз ҳукуқлари ва мажбуриятларини амалга оширганида жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши ва белгиланган тартибда жавобгарликка эга бўлиши керак.**

**4.2. Жамият Директори ушбу лавозимда ишлаган даврида, маҳсулотларни сотиш ёки жамиятга хизматлар кўрсатишида қийинчиликлар туғдирадиган фаолияти, корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этганда иштирок этиш ҳукуқига эга эмас. Директор жамиятда лавозимга тайинланганда шунга ўхшаш корхоналарда ўз иштирокини тўхтатиб қўйиш ва бу ҳақида жамият кузатув кенгашини хабардор қилиб қўйиш мажбуриятига эга.**

**4.3. Жамият Директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки тегишла даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва жамият уставига биноан, жамиятга етказилган зарарнинг тўлиқ ҳажмида жамият олдида жавобгар ҳисобланади.**

**4.4. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг бир фоиздан кам бўлмаган миқдорининг эгаси саналган Жамият акциядори (акциядорлари), жамиятга етказилган зарарни қоплаш юзасидан жамият директорига нисбатан судга мурожаат қилишга ҳақли.**